

ФУҚАРОЛИК СУДЛАРДА ЯРАШТИРИШ ВА МЕДИАЦИЯ ИНТИТУТИНИ ҚҰЛЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИХАТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13883330>

Фурқат Аскаров

Фұқаролик ишлари бүйіча

Фарғона туманлараро суди судьяси

Аннотация. Бұгунғи кунда фуқаролик ۋа оила ҳүкүқи соҳаси шиддат билан ривожланмоқда. Ахолига профессионал юридик хизмат күрәтишида адвокатлар, хизмат күрәтиш соҳасыда етакчиликни құлға олған нотариуслар ҳозирги кун мавзусидаги эң оммабоп касблардан биридир. Мақолада шүнгә ўхшаши бұлған соҳалар томонидан яраштириш институты соҳасыда амалға оширилаётган ۋа соҳани ривожлантириш учун олиб борилаётган ижобий ишлар ҳақида сұз боради.

Бизга маълумки, яраштириш институты оила қонунчилигини мұхим соҳалардан бири ҳисобланади. Мазкур түшүнчалар адабиётлар ۋа норматив-ҳүкүкій ҳужжатларда ҳам белгилаб ўтылған. Мақолада яраштириш институтини ривожлантириш билан бир қаторда, медиация ишларини олиб бориши бүйіча қонунчилікка тақлифлар беріб ўтылған. Шунингдек, яраштириш соҳасыда юзага келаётган муаммоларни очиб бериши ۋа унинг ечими ҳам мұхокама қилинганды. Холосада яраштириш институтини ривожлантиришида биринчи нағбатда оила қонунчилиги соҳасини тартибга солиши юзасидан аник ۋа мақсадлы ишлар олиб борилиши зарурлуги ҳақида холосалар қилинганды.

Калит сұздар: медиация, яраштириш, суд, медиатив келишүү, қонунчилік, тақлифлар.

PROCEDURAL ASPECTS OF APPLICATION OF CONCILIATION AND MEDIATION INSTITUTION IN CIVIL COURTS

Abstract. Today, the field of civil and family law is developing rapidly. Lawyers and notaries are one of the most popular professions in the field of providing professional legal services to the public. The article talks about the positive work that is being done in the field of reconciliation institutes by similar sectors and is being carried out for the development of the field.

As we know, the institution of reconciliation is one of the important areas of family law. These concepts are defined in the literature and normative legal documents. In addition

to the development of the conciliation institution, the article also provides suggestions for legislation on conducting mediation work. Also, the disclosure of the problems arising in the field of reconciliation and its solution were also discussed. In the conclusion, it was concluded that in the development of the institution of reconciliation, first of all, it is necessary to carry out specific and targeted work on the regulation of the field of family law.

Keywords: mediation, conciliation, court, mediated agreement, legislation, proposals.

ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИНСТИТУТА ПРИМИРЕНИЯ И МЕДИАЦИИ В ГРАЖДАНСКИХ СУДАХ

Аннотация. Сегодня сфера гражданского и семейного права стремительно развивается. Юристы и нотариусы – одни из самых востребованных профессий в сфере оказания профессиональных юридических услуг населению. В статье говорится о положительной работе, которая проводится в сфере институтов примирения аналогичными отраслями и проводится для развития данной сферы.

Как известно, институт примирения является одним из важных направлений семейного права. Эти понятия определены в литературе и нормативных правовых документах. Помимо развития института примирения, в статье также даются предложения по законодательству о проведении медиационной работы. Также были обсуждены раскрытие проблем, возникающих в сфере примирения и их решение. В заключении сделан вывод, что в развитии института примирения, прежде всего, необходимо проводить конкретную и целенаправленную работу по регулированию сферы семейного права.

Ключевые слова: медиация, примирение, суд, медиативное соглашение, законодательство, предложения.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда қонунчилык ва суд-хукуқ соҳасида жиддий ўзгаришлар ҳамда ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бундай ўзгаришлар замирида албатта ахолига қулайликлар яратиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, фуқароларни амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан ижобий қайфиятни вужуга келтиришдан иборатdir.

Хукуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни ичида фуқаролик процессал ҳуқуки алоҳида ажралиб туради. Бир қарашда мазкур соҳа фақатгина низоли ҳолатларни тартибга солишда қўлланилади. Албатта, бу

фикрга қўшилмай илож йўқ. Чунки, фуқаролик процессида одатда тарафларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бироқ, бу соҳада ўзига хос институт яъни яраштириш (медиация) институти мавжуд бўлиб, буни инкор қилиш асло мумкин эмас. Мазкур илмий мақола орқали яраштириш ва медиация фаолиятини муҳим жиҳатлари, айнан шундай мазмундаги нормалар, уларнинг хусусиятлари ва қонунчилик тизимидағи ўрнини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-ҳуқуқий нормалари билан солиштиришга ҳаракат қиласиз.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Фуқаролар ва юридик шахслар муайян ҳолатларда ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳамда судда фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ жараён Фуқаролик процессуал кодекси билан тартибга солинади⁴⁴.

Конституциямизда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган⁴⁵. Бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқни ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқ – кенг қўламли, ҳақиқий демократик, конституциявий ҳуқуқ бўлиб, унда одил судлов эшиги ҳар бир инсон учун очиқлиги мужассамдир.

Бугунги кунда, суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш низоларни ҳал этишининг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярапув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизmlарни яратиш ҳам назарда тутилган.

Юртимизда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишининг замонавий механизmlарини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу соҳада ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи

⁴⁴ <https://yuz.uz/news/qanday-hollarda-sudga-murojaatlar-qaytarilishi-mumkin>

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 47-модда

давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишининг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда. Фикримизча, ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида келишув битимларининг тузилишида асосий шартлардан бири фуқаролик процесси тарафларининг эркин ҳуқуқ ва ўз хошиш-истагини эркин билдириш тамойилининг амал қилиши ҳисобланади.

Професор М.Мамасиддиқовнинг тъкидлашича, келишув битими тарафлар ўртасидаги муроса, яъни фуқаролик ҳуқуқидаги шартнома бўлиб хизмат қиласди. Судга мурожаат этмай тузилган келишув битими суддан ташқари ҳисобланади. Суддан ташқари тузилган келишув битими agarда тарафлардан бири шартномани бажаришдан бош тортса ёки бажармаса, иккинчи тарафни шу муносабат билан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай битим суд томонидан тасдиқланганидан сўнгина юридик кучга эга ҳисобланади. Судга тегишли келишув битими - бу тарафларнинг келишмовчиликларни ўзаро ҳал этиб тузган шартномасидир ва қуидаги талабларга жавоб бериши керак. Фуқаролик ҳуқуқий шартнома сифатида фуқаролик ҳуқуқининг барча қоидаларига мос келиши лозим. Шунингдек, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши, келишув битими тузилганидан сўнг суд ишни юритишни тугатганидан сўнг, худди шундай даъво билан судга мурожаат қилишга йўл қўйилмайди. Агар тарафлар уни ихтиёрий ижро этмаса, унинг ижроси мажбурий тартибда ижро этилади⁴⁶.

Шунингдек, тадқиқотчи И.Жўраев келишув битимини тўғри тузиш ва тасдиқлаш жуда муҳимлигини, чунки келишув битими ҳал қилув қарорлари билан низони ҳал қилишдан бир неча жихатлари билан устун туради, яъни келишув битими тарафларни муросага келтириш йўлидаги дастлабки қадам бўлса, суднинг қарори улар ўртасидаги низони янада чуқурлаштириши мумкин, суднинг ҳал қилув қарорини ижро этишда мажбурлов унсурлари мавжуд, келишув битимини эса тарафлар ўз ихтиёри ва имкониятига асосан тузишлари ҳақидаги фикрни илгари суради⁴⁷.

⁴⁶ Фуқаролик процессуал ҳуқуки. Дарслик. Муаллифлар жамоаси // Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов, ю.фн., проф.Д.Ю.Хабибуллаев. –Тошкент. “Lesson press” нашриёти.2020.- 607 б.

⁴⁷ И.Жўраев. Низоларни ҳал этишда келишув битимининг ўрни / Huquq va burch #3 (171) 2020

И.Рустамбеков медиация тартиб-таомилини умумий суд ишларини юритишдан қуидаги афзаликларини санаб үтади “гуманность (инсонпарварлик), иқтисодий (кам харажатли), очиқ ва ихтиёрий, тезкор, мослашувчан (бошқарув жараёнида), ишончили натижга, тарафларнинг мустақиллиги, конфиденциаллик ҳамда медиаторнинг холислиги”⁴⁸.

Доцент С.А.Марипова ўзининг тадқиқот ишида низоларни давлат судларида ҳал этиш билан таққослагандага медиациянинг бир қатор афзаликлари мавжудлигини таъкидлайди.

Биринчидан, хукукларни давлат судларида химоя қилишнинг суд шаклидан медиация жараёнининг асосий фарқи медиаторнинг низонинг моҳиятига нисбатан ўз-ўзидан ҳеч қандай қарор қабул қиласлиги ҳисобланади. Медиация доирасидаги барча қарорлар факат тарафларнинг ўзаро розилиги асосида қабул қилинади. Судда низолар судъялар томонидан тарафлар учун мажбурий бўлган ва мажбурий тартибда ижро қилиниши мумкин бўлган қарорлар чиқариш йўли билан тутатилади”.

Иккинчидан, медиация ўзгарувчан жараён ҳисобланаб, тарафлар низони кўриб чиқиши жараёнини ўз хоҳишига қўра тартибга солишлари мумкин, уларга муаммони муҳокама этиш учун эркин шароит яратилади. Шу билан бирга медиаторнинг ўзи ҳам тарафларга низони ҳал қилиш йўлини топишга ёрдам беради.

Учинчидан суд қарорлари ҳар доим ҳам тарафлар истаган оқибатга олиб келмайди (камидан бир тараф ишнинг натижасидан норозилигича қолади) ва бу холат келажакда суд қарорларини нафакат ихтиёрий бажаришдан бош тортилишига, балки бажаришга мажбурий тўсқинлик қилинишига олиб келади. Медиация давомида барча қарорлар тарафларнинг икки томонлама келишувига қўра қабул қилинади ва иккала тараф ўзлари томонидан биргаликда қабул қилинган қарорларини ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини оладилар⁴⁹.

Айрим олимлар келишув битимининг тузилишига эришиш суднинг келажакда асоссиз қарорлари чиқиб қолиши мажбуриятидан озод қиласли, деган фикрни ҳам билдиради ва суд томонидан тасдиқланган келишув битимини суд қарорига тенглаштиради. Сабаби, у ҳам суд томонидан тасдиқлангандан кейин мажбурий ижро этилиши хусусиятига эга бўлади.

⁴⁸ Рустамбеков.И. Медиация: пособия для медиаторов / Ташкент: Baktria press, 2019.-144 с. Б. 12

⁴⁹ Марипова С.А. Фуқаролик процессида медиацияни қўллаш: қиёсий-хукукий таҳлил / Юридик фанлар

бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати/ Тошкент.2022 й.

Низони суд орқали ечимини топиш муаммо эмас, бироқ, қоидага кўра, уни бу усул билан тўлиқ ҳал қилишнинг деярли имконияти бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки низо тарафларида салбий эмоционал ҳолат сакланиб қолиши натижасида конфликт узоқ вақт давом этиб бораверади. Айнан шу сабабли ҳа низоларни судсиз ҳал этишнинг муқобил усулларини кенгрок амалиётга жалб этиш ҳуқукий муносабат иштирокчиларида ижтимоий ҳамкорликнинг сакланиб қолишига хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида айнан сўнгги йилларда низоларни ҳал этишнинг муқобил ва ҳалқаро миқёсда умумэътироф этилган усулларидан бири бири - медиация институтидир. Маълумки, 2018 йил 3 июлида имзоланган “Медиация тўғрисида”ги⁵⁰ қонун 2019 йилнинг 1 январидан эътиборан амал қила бошлади. Медиациянинг долзарблиги шундаки, бир томондан, дунё миқёсида кўплаб хорижий давлатлар амалиётида медиациянинг кенг миқёсда қўлланилаётганлиги, шунингдек, ҳалқимизнинг тарихан шакланган, бироқ ҳозирда факат ижтимоий хаётда истемолда қўлланилаётган “муросаи мадора” деган қадрияти ҳамда анъаналарини қайта жонлантириш эҳтиёжи кун тартибига чиққанлигидадир. Шунга кўра, медиация институтининг ҳалқаро назарий – ҳуқукий асосларини, юридик ҳамда ижтимоий – маънавий табиатини, мазмунини, принципларини, структурасини, ўзига хос хусусиятлари ҳамда белгиларини, таснифи (моделлари)ни комплекс мушоҳада этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Профессор Х.Т.Одилқориев⁵¹нинг таъкидлашича медиация малакали ва ваколатли мутахассис (вакил) томонидан ўзгача маҳорат, назокат ва маданият билан ўтказиладиган музокаралардан иборат бўлади. Унинг муваффакияти кўп жиҳатдан медиаторнинг тажрибасига, малакасига, билимдонлигига, дипломатик фазилатларига, ваколатлигига, тарафларнинг фикрини ҳурмат билан тинглаш, мулоҳаза юритиш, таҳлил этиш ва оқилона уйғунлаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Медиация – можарони холис, адолатли бундан манфаатдор бўлмаган учинчи томон – медиатор (воситачи) иштирокида ҳал этишнинг муқобил шакли ҳисобланиб, медиатор низо юзасидан низолашувчи томонларга энг қулай бўлган келишувга эришишларида ёрдам беради. Медиацияда

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/3805227.5>.

⁵¹ Х.Т.Одилқориев. Ўзбекистон давлати ва жамияти инновацион ривожланишининг ҳуқукий жиҳатлари/Ўкув қўлланма. – Т.: Innovatsion rivojlanish nashriyot- matbaa uyi, 2019. – 362 б. –Б. 127..6.

томонлар низони бартараф этишга ҳамда уни ҳал этиш шарт-шароитлариға доир қарор қабул қилиш жараёнини тұлық назорат қила оладилар⁵².

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Юқоридаги муаллифларнинг қарашларини эътироф этган ҳолда, таъкидлаб үтиш лозимки, медиация - лот. "mediare" сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилмоқ, ўргада турмоқ, орага тушмоқ деган маънони англатади. Шунингдек, "медиация" - (инг. "mediation" - воситачилик) - низоларни муқобил (судгача) ҳал қилиш усули бўлиб, унда низолашувчи тарафларга холис, бетараф медиатор үзаро мақбул келишувга эришишга ёрдам беради, лекин у низо бўйича қарор қабул қилишга ва тарафларнинг ҳеч бирига маслаҳат беришга ҳақли эмас. Алоҳида эътибор қаратиш лозимки, медиатор тарафларнинг талабларидан (позиция) келиб чиқиб, уларни асл манфаатларини аниқлаши лозим, бу ҳолатда медиатор бир қатор медиация инструментларидан (фаол эшитиш, рефрейминг, фрейминг, эхо такрорлаш, рапорт ва бошқалар) фойдаланиши лозим. Медиатив келишувнинг тарафларга манфаатли бўлган афзаллиги сифатида тарафлар низони судда қўриш жараёнида бундай келишувга эришса, давлат божи тўлашдан озод этилади ёки тўланган давлат божи қайтарилади ва натижада уларнинг маблағи ўз ихтиёрида қолади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, медиатив келишувга эришилишида медиаторнинг хизмати муҳим ахамият касб этади. Шу боис қонунда медиаторга доир қатор талаблар белгиланган. Агар яна тарафлар манфаати нуқтаи назаридан гапирадиган бўлсак, медиатор медиация бошлангунига қадар медиация тарафларига медиациянинг мақсадини, шунингдек, уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини тушунтириши, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида фақат медиация тарафларининг розилиги билан ҳаракат қилиши, низо юзасидан үзаро мақбул келишувга эришишга тарафларни ишонтиришнинг қонуний восита ва усулларидан фойдаланиши, ўзининг мустақиллиги ва холислигига таъсир қўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса ёки юзага келса, бу ҳақда тарафларга маълум қилиши шарт. Медиатор тарафлар олдида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

⁵² Гаффарова Ш.Н. Медиация - ижтимоий низоларни бартараф этишнинг муқобил усули сифатида // "Фуқаролиқ жамиятия институтларини ривожлантириш ва ўшларнинг ижтимоий - сиёсий фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари" республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами, 2018 йил 8 июнь, 120 бет.

Иккинчидан, суд тартибидан фарқли равишда низолашувчи шахслар медиаторни ўзлари танлайдилар ва медиация жараёнига ихтиёрий киришадилар. Судда тарафлар судьяни танлай олмайди, тарафлар судга судловлилик қоидаларига риоя этган ҳолда мурожаат қилишга мажбурлар. Шунингдек, тарафлар медиаторга онлайн мурожаат қилишлари, ёки низони комедиатор (икки ва ундан ортиқ)лар иштирокида ҳал этишлари, низони ҳал этишга ёрдам бериши мумкин бўлган мутахасисни ўзлари танлашлари мумкин. Учинчидан, иш юритиш вазифалари жихатидан қарасак, суднинг вазифаси тарафларнинг қайси бири ҳақ ёки айбордорлигини аниклашдан иборат бўлса, медиация тарафларнинг келишувига эришишга ҳамда медиаторнинг ёрдами билан низони ҳал қилишнинг турли хил ечимларини мухокама қилишга қаратилган. Тўртингидан, иш юритишнинг тартибига кўра, медиация суд жараёнига нисбатан маҳфий тарзда ўтказилади ва ҳар бир тараф истаган вақтида уни давом эттиришдан бош тортиши мумкин, судда эса аксинча, музокараларни исталган вақтда тугатиб бўлмайди, жараён ҳам ошкора бўлади. Шунингдек, судда вақт чегараланганилиги сабабли тарафларга низо бўйича муаммоларни батафсил етказишига ҳар доим ҳам имконият бўлмайди, медиацияда тарафлар истаганларича барча масалаларни бемалол мухокама қиласидилар. Бешинчидан, низолар суд тартибида ҳал этилишида судья суд тартибининг босқичларига қатъий риоя этиши талаб этилади, медиация тартиб-таомилида эса тарафлар низони ҳал қилиш учун қонунда назарда тутилган муддатлардан чиқмаган ҳолда, ҳар қандай босқични қайта тақрорлашлари, унга аниқлик киритиши, ёки маълум бир босқични четлаб ўтишлари мумкин. Олтинчидан, медиациянинг яна бир фарқли ва устивор жихатларидан бири, тарафлар медиатив келишувга эришишлари жараёнида медиатор билан яккама-якка (кокус) тартибда музокаралар олиб бориши мумкин, суд тартибида келишувга эриши жараёнида суд тарафлар билан алохида учрашув (фақатгина ишни судда кўришга тайёрлаш босқичидан ташқари) ўтказишига процессуал жихатдан йўл қўйилмайди. Еттинчидан, процессуал тартиб ва ишни олиб бориш тартибига кўра, суд жараёни процессуал қонунлар доирасида ўтказилади, қарор фақат қонунга асосланиб қабул қилинади, медиация тартиб-таомилида медиатив келишув эса тарафларнинг хоҳиш-истаклари асосида қабул қиласидилар. Саккизинчидан, судда низолашаётган тарафлар суд қароридан норози бўлган тақдирларида ҳам уни бажаришга мажбурлар. Медиацияда барча қарорлар фақат тарафларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинади ва

улар ихтиёрий равища уни бажариш мажбуриятини оладилар. Тўқизинчидан, суд тартибидаги келишув битими тузилиши, суд ишини юритишнинг тугатилишига ва тарафларнинг ушбу талаб ва асосларга қўра қайта судга мурожаат қилиларига тўсқинлик қиласа, медиатив келишув эса тарафларнинг ўз хукуқ ва манфаатларини келгусида суд тартибида ҳимоя қилишларини чекламайди. Юкоридагилардан келиб чиқиб, келгусида мамлакатимизда яраптириш ва медиация институтининг янада такомиллаштириш, ушбу институтларнинг афзалликларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ортиқча сарф-харажатлар, тарафлар ўртасидаги низоли муносабатларни барҳам топтириш мақсадида, иқтисодий процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчиликка, аппеляция ва кассация босқичларида ҳам тарафларга низони ярашириш ва медиатив келишув асосида тамомлашни тартибга солишга қаратилган механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСАЛАР

Бизнингча мамлакатимизда яраптириш ва медиация тартиб-таомилини ривожлантириш учун аввало Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонуни такомиллаштириш талаб этилади. Жумладан, ушбу қонуннинг 18-моддасида давлат органи иштирокида низо келиб чиқсан тақдирда, давлат органи медиацияни қўллаш бўйича чоралар кўриши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Бирок ушбу чоралар нималардан иборат бўлишлiği, ёки ушбу чоралар кўрилганлиги нималарда акс этиши мавхум саналади энг муҳими бундай чоралар кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги қандай аҳамиятга эгалиги ва оқибатлари белгиланмаган ва бу норманинг амалда ўз-ўзидан ишламаслигига олиб келади. Айниқса бу меҳнат муносабатларида иш берувчига якка меҳнат низоси келиб чиқсан вақтда медиация тартиб-таомилини қўллашга оид мажбуриятни юкламайди. Қачонки ходим бу ҳақида мурожаат қилганида у медиацияда иштирок этса чоралар кўрган саналиши мумкин. Келгусида ушбу норманинг такомиллашуви бевосита медиация институтининг ривожланишига ҳисса қўшишини инобатга олиб, қонуннинг 18-моддасини қуйидагича “Давлат органи иштирокида низо келиб чиқсан тақдирда, давлат органи медиацияни қўллаш бўйича чоралар кўриши керак агар иш суд тартибида кўрилган тақдирда медиация тартиб-таомилини амалга ошириш юзасидан қилинган ишлар бўйича маълумотлар тақдим этиши шарт. Бу талаб ходим судга мурожаат қилганида тадбик этилмайди” мазмундаги ўзгартиш билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2021_9.pdf.

2. Ҳакбердиев А. А. ҲАКАМЛИК СУДИНинг ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. - 2023. - Т. 8. - №.6.

3 Батухтина Е.М. К вопросу об исполнительной силе медиативного соглашения, удостоверенного нотариусом // Арбитражный и гражданский процесс. №11/2020. - С. 27-28. 17 Федеральный закон Российской Федерации 02.10.2007 N 229-ФЗ (ред. от 30.12.2021) "Об исполнительном производстве" (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.02.2022). <http://www.consultant.ru/>

4. Носырева Е.И. Альтернативное разрешение гражданско-правовых споров в США: Дис.д-ра юрид. наук. С. 268.

5. Кучерявая Н, юридик фанлар доктори,профессор Ниқуқ va burch, 2017 йил 12-сон www.huquqburch.uz

6. Масадиков Ш.М.Перспективы медиации как альтернативного способа разрешения гражданско-правовых споров в Узбекистане // <https://elibrary.ru>.

7. Рустамбеков.И. Медиация: пособия для медиаторов / Ташкент: Baktria press, 2019.-144 с. Б. 12

8. Марипова С.А. Фуқаролик процессида медиацияни қўллаш: қиёсий-хуқуқий таҳлил /Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати/ Тошкент.2022 й.